



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 27 » июнь

№ ПҚ-238

Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик технологиялар ва кооперация тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакат аҳолиси учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган паррандачилик маҳсулотлари билан ички бозорларни тўлиқ таъминлаш, паррандачилик соҳасида замонавий генетик технологияларни жорий этиш ва наслчилик материаллари етиштиришни кўпайтириш, экспортни ривожлантириш ҳамда маҳаллий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш тизимини янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарорида парранданинг генетикасини ташкил этиш юзасидан етакчи генетик компаниялар билан музокаралар ўtkазиш белгиланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, “Паррандасаноат” уюшмаси ва “Микрокредитбанк” АТБнинг хорижий тажриба ҳамда кичик қувватдаги паррандачилик хўжаликлари билан кооперация тизимига асосланган “Агропарранда кластери” лойиҳасини қўйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан:

а) гўшт йўналишидаги паррандаларнинг **100 минг** бош қувватдаги I тартибли репродуктор ота-она галаси **наслчилик корхонасини Зомин, Бахмал, Булунғур ва Фаллаорол туманларида ташкил этиш;**

6) Тошкент вилояти Оҳангарон ва Паркент туманларида:

гўшт йўналишидаги паррандаларнинг II тартибли репродуктор наслчилик корхонасини қуриш ҳамда йилига **135 миллион бош** финал-гибрид жўжаларни етиштиришни йўлга қўйиш;

700 минг тонна омухта-ем ишлаб чиқариш, **100 минг** тонна парранда гўштини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган йирик мажмуалар ва замонавий кушхонани ишга тушириш.

3. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан биргалиқда **икки ой муддатда** гўшт йўналишидаги паррандаларнинг I тартибли репродуктор ота-она галаси **наслчилик корхонаси** (санитария зонаси билан биргалиқда) қурилиши учун Зомин, Бахмал, Булунғур ва Ғаллаорол туманлари ҳудудларидан **200 гектар** ер участкасининг ажратилишини таъминласин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги **икки ой муддатда** II тартибли репродуктор наслчилик корхонаси, парранда гўштини етиштириш фермалари, замонавий кушхона ва гўшти чуқур қайта ишлаш ҳамда омухта-ем ишлаб чиқариш йирик мажмуаларини қуриш учун **Паркент ва Оҳангарон** туманларининг “Агропарранда кластери” лойиҳасини амалга оширишга қулай бўлган ҳудудидан **200 гектар** ер участкасининг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, “Агропарранда кластери” лойиҳаси қўйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун жалб этилган халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан **40 миллион АҚШ доллари**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5146-сон қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан паррандачилик лойиҳаларини молиялаштиришга “Микрокредитбанк” АТБга II босқичда йўналтирилган маблағлар ҳисобидан **35 миллион АҚШ доллари**;

лоиҳа ташаббускорининг **25 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари.

6. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда:

I босқичда “Микрокредитбанк” АТБга ажратилган **35 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни қайтариш муддатини **қўшимча 3 йилга узайтирсин**;

II босқичда ажратилиши белгиланган **35 миллион АҚШ доллар** миқдоридаги маблағни паррандачилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш учун “Микрокредитбанк” АТБга ажратилишини таъминласин.

Бунда мазкур маблағлар доирасида ажратилган кредитлардан қайтган маблағлар тўлиқ паррандачилик соҳасини кредитлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари фойда солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинганилиги маълумот учун қабул қилинсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

2030 йил 1 январга қадар паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини (экин майдонларидан ташқари) тўлашдан озод этиш;

2024 йил 1 июлдан бошлаб парранда гўштини (ТИФ ТН коди 0207) экспорт қилишда мавжуд барча чекловларни бекор қилиш;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб янги сўйилган, совутилган ёки музлатилган уй паррандаси гўшти ва қўшимча озуқабоп маҳсулотлари (бутун гўшт, қанот, бел, бўйин, окорочок, голен, сон, қийма ва тери) Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда белгиланган божхона божи бўйича берилган имтиёзни бекор қилиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **уч ой муддатда** мазкур банддан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик технологиялар ва кластер тизимини жорий этиш ҳамда наслчилик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича **ишчи гуруҳ таркиби ва унинг вазифалари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.**

Ишчи гуруҳ (Ж. Ходжаев) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги элчихоналари билан парранданинг гўшт йўналиши ривожланган хорижий, шу жумладан АҚШ генетик компаниялари билан музокаралар ўтказиб, тегишли келишувларга эришилишини таъминласин.

9. "Микрокредитбанк" АТБнинг ўз маблағлари ҳисобидан:

а) паррандачилик соҳасини 2025–2027 йилларда ривожлантириш стратегияси лойиҳасини, шу жумладан соҳани рақамлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун тендер асосида катта тўртлик консалтинг компанияларидан бирини жалб этиш;

б) 2024–2026 йилларда "Паррандасаноат" уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ойлик иш ҳақи, ходимларни моддий рағбатлантириш ҳамда уюшманинг сақлаш харажатларини қоплаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бунда мазкур мақсадлар учун 2024 йилда **10 миллиард сўмгача** ва 2025–2026 йилларда йилига **7 миллиард сўмгача** бўлган миқдордаги маблағлар йўналтирилиши белгилансин.

10. Қўйидагилар:

2024 йилда парранда тухуми ва гўшти ишлаб чиқариш ҳажмлари прогноз кўрсаткичлари **2-иловага мувофиқ**;

2024–2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида гўшт йўналишидаги йирик саноатлашган паррандачилик корхоналарини ташкил этиш қувватлари **3-иловага мувофиқ**;

Паррандачилик соҳасини келгусида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари **4-иловага мувофиқ**;

Паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва генетик технологияларни жорий этиш бўйича **"Йўл ҳаритаси" 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

11. "Паррандасаноат" уюшмаси ҳамда АТБ "Микрокредитбанк"нинг:

республикада паррандачилик соҳасида, шу жумладан кооперация тизимида паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "тайёр бизнес" лойиҳаларини (келгуси ўринда – "тайёр бизнес" лойиҳалари) амалга ошириш;

"Паррандасаноат" уюшмаси таъсисчилигидаги "Parranda investment" масъулияти чекланган жамияти томонидан республика ҳудудларида "тайёр бизнес" лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5146-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан “Микрокредитбанк” АТБга ажратилган мақсадли маблағларнинг I босқичидан қайтган ва “Микрокредитбанк” АТБ томонидан бошқа халқаро молия институтларидан жалб этилган маблағларни “Parranda investment” МЧЖ томонидан паррандачилик соҳасида “тайёр бизнес” лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда:

паррандачилик соҳасида “тайёр бизнес” лойиҳалари билан боғлиқ барча харажатларни (лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш, уни экспертизадан ўтказиш ва бошқалар) молиялаштириш учун кредитлар, лойиҳалар муддатига **мутаносиб равишда** йиллик 14 фоиз ставкада, келгусида инвестиция лойиҳасини босқичма-босқич гаровга олиш шарти билан суғурта полиси асосида ажратилади;

мазкур лойиҳалар доирасида, кредит қайтмаслиги хатарини суғурталаш билан боғлиқ харажатлар ушбу кредит маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Белгилансинки, “Parranda investment” МЧЖ томонидан “тайёр бизнес” лойиҳаларини сотишдан тушган **маблағлар биринчи навбатда** “Микрокредитбанк” АТБдан жалб қилинган кредитларни (асосий қарз ва фоиз тўловлари) сўндиришига йўналтирилади ва қолган маблағлар компания ихтиёрида қолдирилади.

13. Ишчи груп (Ж. Ходжаев)га ички бозорда аҳоли талаби мавсумий пасайиши ва парранда маҳсулотлари нархлари кескин ўзгариши хавфи юзага келган ҳолатларда, шунингдек, маҳсулотларнинг ўз таннархидан арzon сотилишини олдини олиш мақсадида, тижорат банклари томонидан паррандачилик хўжаликларига ажратилган кредитларни қайтариш муддатларини белгиланган тартибда узайтириш масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилсин.

14. Ҳисоб палатаси мазкур қарор доирасида паррандачилик лойиҳаларини молиялаштириш учун ҳамда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан “Паррандасаноат” уюшмасини сақлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов белгилансин.

Қарор ижросини мұхокама қилиб бориш, ижро үчүн масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бөш вазири ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 27 июнданги ПҚ-238-сон қарорига
1-илова

**Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик
технологиялар ва кластер тизимини жорий этиш ҳамда наслчилик
материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича
ишчи гурӯҳ таркиби**

1. Ж. Ходжаев – Бош вазир ўринбосари, *Ишчи гурӯҳ раҳбари*
2. Б. Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, *Ишчи гурӯҳ раҳбари ўринбосари*
3. Б. Сайдов – ташқи ишлар вазири
4. А. Қосимов – қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари
5. Лавозими бўйича – инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг ўринбосари
6. Д. Адилов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари
7. Б. Раҳматуллаев – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудири
8. Лавозими бўйича – Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош директорининг ўринбосари
9. Лавозими бўйича – Саноатни ривожлантириш жамғармаси раҳбари
10. О. Бўтаев – “Паррандасаноат” уюшмаси раиси
11. С. Бердиев – “Паррандасаноат” уюшмаси маслаҳатчиси, *Ишчи гурӯҳ котиби* раисининг

Изоҳ: Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишили функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

**Паррандачилик соҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик
технологиялар ва кластер тизимини жорий этиш ҳамда наслчилик
материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишчи гуруҳнинг
ВАЗИФАЛАРИ**

Қўйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хорижий давлатлар тажрибаларини ҳар томонлама ўрганган ҳолда гўшт
йўналишидаги паррандаларнинг I тартибли репродуктор ота-она галаси
наслчилигини ташкил этиш;

паррандачилиқда наслчилик ишларида халқаро умумэътироф этилган
стандартлар ва үнинг энг юқори намуналарига мувофиқ илғор замонавий
генетик технологияларни жорий этиш;

паррандачилиқда наслчилик ва генетик технологияларни
ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда мухокама
қилиб бориш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, жумладан
озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

паррандачилиқда наслчиликни халқаро талаблар асосида тизимили
ривожлантиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини
тайёрлаш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

паррандачилиқда наслчилик иши билан шуғулланувчи
илмий-тадқиқот муассасалари ва селекция марказлари фаолиятини
такомиллаштириш ҳамда кадрлар малакасини ошириш;

гўшт йўналишидаги паррандалар наслчилигида халқаро умумэътироф
етилган стандартларни ва ривожланган давлатларнинг тажрибаларини
жойига чиқсан ҳолда ҳар томонлама ўрганиш;

“Агропарранда кластери” лойиҳаси доирасида паррандаларнинг
I тартибли репродуктор ота-она галаси наслчилигини ташкил этиш юзасидан
таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 27 июнданги ПҚ-238-сон қарорига
2-илова

**2024 йилда парранда тухуми ва гўшти ишлаб чиқариш ҳажмлари
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

T/р	Ҳудудлар номи	Парранда гўшти ишлаб чиқариш (минг тонна)	Истеъмол тухуми етиштириш (млн дона)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	27	462,2
2.	Андижон вилояти	58,5	851,2
3.	Бухоро вилояти	34,6	591,8
4.	Жиззах вилояти	45	383,3
5.	Қашқадарё вилояти	48,3	710,3
6.	Навоий вилояти	21,6	394,6
7.	Наманган вилояти	54,6	738,4
8.	Самарқанд вилояти	180	1 679,9
9.	Сирдарё вилояти	21,6	219,8
10.	Сурхондарё вилояти	47	682,1
11.	Тошкент вилояти	160,3	1 770,1
12.	Фарғона вилояти	77,1	811,7
13.	Хоразм вилояти	24,3	704,6
Жами		800	10 000

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 27 июнданги ПҚ-238-сон қарорига
3-илюва

2024–2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида гўшт
йўналишидаги йирик саноатлашган паррандачилик корхоналарини ташкил этиш
КУВВАТЛАРИ

Республика ҳудудлари	Туманлар номи	Амалга ошириладиган лойиҳалар қуввати (минг бош)	Қўшимчча парранда гўшти ишлаб чиқариш (тонна)
Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус	250	3 750
Қашқадарё вилояти	Хўжайли	200	3 000
Сурхондарё вилояти	Чирокчи	200	3 000
Хоразм вилояти	Кўкдала	200	3 000
	Музработ	200	3 000
	Термиз	200	3 000
	Қўшкўпир	200	3 000
	Янгиарик	200	3 000
	Жамъи	1 650	24 750

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 27 июндаги ПҚ-238-сон қарорига
4-илова

Паррандачилик соҳасини келгусида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Қўйидагилар паррандачилик соҳасини келгусида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

паррандачилиқда генетик технологияларни жорий этиш, наслчилик материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва I тартибли репродуктор ота-оналик галаси наслчилик корхоналарини ташкил этиш;

паррандачилик соҳасини озуқа-ем маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва захира фондидағи дон маҳсулотлари ҳисобидан интервенция тизимини жорий этиш орқали паррандачилик хўжаликларига етказиб бериш;

юқори намунада ва халқаро даражадаги стандартлар асосида паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда кооперация тизимини кенг кўламда жорий этиш, қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш;

соҳага инновацияларни кенг кўламда жалб этиш, жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш, чиқиндиларни утилизация қилиш ҳамда озуқаларни биотехнология үсулларида чуқур қайта ишлаш;

мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, паст рентабелли корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш ҳамда соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш;

“Паррандасаноат” уюшмаси ва барча паррандачилик хўжаликларининг “паррандаси борнинг – баракаси бор”, “парранда етти хазинанинг бири” ва “парранда боқиш – даромад топиш” тамойиллари асосида фаолият юритишини асосий мезон сифатида белгилаш.

Паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва генетик технологияларни жорий этиш бўйича
“Йўл ҲАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
I. Паррандачилик соҳасини ривожлантириш йўналишилари				
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озука базасини мустаҳкамлашга қаратилган кўшимча чоратдирлар тўғрисида”ги ПҚ-5146-сон қарорига асосан паррандачилик молиялаштиришга II босқичда белгиланган 35 миллион АҚШ доллар миқдоридаги маблағни паррандачилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга “Микрокредитбанк” АТБга ажратиш.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2024 йил сентябрь	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Иқтисадийт ва молия вазирилиги, Марказий банк, “Микрокредитбанк” АТБ
2.	Республика худудларида “тайёр бизнес” лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва уюшмаси маблағлари амалга ошириш учун “Паррандасаноат” уюшмаси таъсисчилигида “Parranda investment” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш.	“Паррандасаноат” уюшмаси маблағлари	2024 йил июль	“Паррандасаноат” уюшмаси, “Микрокредитбанк” АТБ
3.	“Паррандасаноат” уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ойлик иш ҳақи, ҳамда ходимларни моддий рафбатлантириш үюшманинг саклаш харажатларини қоплаш.	“Микрокредитбанк” АТБ маблағлари	2024-2026 йилларда	“Микрокредитбанк” АТБ, “Паррандасаноат” уюшмаси

Т/р	Чора-тадбиrlар номи	Молиялаштириши манбалари	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
	Бунда мазкур мақсадлар учун 2024 йилда 10 млрд сўмгача ва 2025–2026 йилларда йилига 7 млрд сўмгача бўлган микдордаги маблағларни йўналтириш.			
4.	Паррандачилик соҳасини 2025–2027 йилларда ривожлантириш стратегияси лойиҳасини, шу жумладан тармоқни рақамлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун, тендер асосида катта тўртлик консалтинг компанияларидан бирини жалб этиш.	“Микрокредитбанк” АТБ маблағлари	2024 йил сентябрь	“Микрокредитбанк” АТБ, “Паррандасаноат” ўюшмаси
5.	Паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни янада кўллаб-кувватлаш, рақобатбардошлигини ошириш ҳамда фаолиятини кенгайтириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиқ имтиёзларини беришни назарда тутувчи тегишли ўзгартиришларни киритиш.	—	2024 йил август	Иқтисодийёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Паррандасаноат” ўюшмаси
6.	Давлат ресурсларига ва фермер хўжаликларидан вактинчалик сақлашга қабул қилинган буғдой ҳисобидан паррандачилик хўжаликларининг эҳтиёжи учун биржа савдолари орқали алоҳида ҳажмлар сотиши механизмини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.		2024 йил август	Иқтисодийёт ва молия вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, “Паррандасаноат” ўюшмаси, “Ўзбекистон республикаси товар-хомашё биржаси” АЖ
7.	Паррандачилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини прогнозлаштириш, ички бозорларда нархлар ошиб кетишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш ва кузатув мезонлари назарда тутилган электрон ахборот дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш.	“Микрокредитбанк” АТБ маблағлари	2024 йил Декабрь	“Паррандасаноат” ўюшмаси, “Микрокредитбанк” АТБ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
II. Паррандачиликда генетик технологияларни жорий этиш				
8.	“Агропарранда кластери” лойихаси доирасида республикада гүшт йўналишидаги I тартибли репродуктор ота-она галасини ташкил этиш максадида халқаро умумэтириоф этилган стандартларни ва ривожланган давлатларда жорий этилган паррандачилик фаолиятининг энг юқори намуналари бўйича илфор хорижий тажрибаларни жойига борган ҳолда ўрганиш.	Ўз маблағлари	2024 йил декабрь	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ташқи ишлар вазирилиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилиги, “Паррандасаноат” ўюшмаси, “Микрокредитбанк” АТБ
9.	Халқаро тажрибалар асосида республикада I тартибли репродуктор ота-она галасини қуриш ва ер участкаларини аниқлаш учун ветеринария ва биологик хавфсизлик талабларини ўрганиш ва тайёрланган таклифларни Ишчи гурухига киритиш.	—	2024 йил август	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, “Паррандасаноат” ўюшмаси
10.	“Агропарранда кластери” лойихасини амалга оширувчи ташаббускор ва хорижий генетик компаниялари ўртасида гўшт йўналишиидаги I тартибли репродуктор ота-она галасини ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик келишувларига эришиш.	—	2024 йил октябрь	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ташқи ишлар вазирилиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилиги, “Паррандасаноат” ўюшмаси
11.	Республикада I тартибли репродуктор ота-она галасини ташкил этиш бўйича келишувларга эришиш юзасидан хорижий Ҳукуматлар ва генетик компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	—	2024 йил ноябрь	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, “Паррандасаноат” ўюшмаси, Ташқи ишлар вазирилиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилиги

Т/р	Чора-тадбиirlар номи	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
12.	Гўшт йўналишидаги паррандаларнинг I тартибли репродуктор ота-она галаси наслчилик корхонаси (санитария зонаси билан биргаликда) курилиши туманлари худудларидан 200 гектар ер участкасини ажратиш.	—	2024 йил сентябрь	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари
13.	II тартибли репродуктор наслчилик корхонаси, парранда гўштини етиштириш фермалари, замонавий кушхона ва гўштни чуқур қайта ишлаш ҳамда омухта-ем ишлаб чиқариш йирик комплексларини куриш учун Паркент ва Оҳангарон туманлари худудидан 200 гектар ер участкасини ажратиш.	—	2024 йил сентябрь	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Кадастр агентлиги





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «27» июня

№ ПП–238

О мерах по дальнейшей поддержке сферы птицеводства, внедрению современных генетических технологий и системы кооперации

В целях полноценного обеспечения внутреннего рынка продукцией птицеводства, имеющей социальное значение для населения страны, внедрения современных генетических технологий в сфере птицеводства и увеличения выращивания племенного материала, дальнейшего улучшения системы финансирования проектов, направленных на развитие экспорта и увеличение производства отечественной конкурентоспособной продукции:

1. Принять к сведению, что в постановлении Президента Республики Узбекистан от 4 сентября 2023 года № ПП–292 «О мерах по реализации задач, определенных в открытом диалоге 2023 года Президента Республики Узбекистан с предпринимателями» определены проведение переговоров с ведущими генетическими компаниями в целях создания генетики птицы.

2. Одобрить предложения Комитета ветеринарии и развития животноводства, Ассоциации «Паррандасаноат» и АКБ «Микрокредитбанк» по реализации проекта **«Агропарранда кластери»** на основе зарубежного опыта и систем кооперации с маломощными птицеводческими хозяйствами в следующем порядке:

а) создание племенного предприятия родительского стада репродуктора I порядка птиц мясного направления **с мощностью 100 тысяч голов** в Зааминском, Бахмальском, Булунгурском и Галляральском районах;

б) в Ахангаранском и Паркентском районах Ташкентской области:

строительство племенного предприятия **репродуктора II порядка** птиц мясного направления, а также организация разведения **135 миллионов** голов цыплят финального гибрида в год;

запуск крупных комплексов по производству **700 тысяч** тонн комбикорма, по глубокой переработке **100 тысяч** тонн мяса птицы, а также современной птицебойни.

3. Министерству экологии, охраны окружающей среды и изменения климата совместно с хокимиятами Джизакской и Самаркандской областей в двухмесячный срок обеспечить выделение на территории Зааминского, Бахмальского, Булунгурского и Галляяральского районов 200 гектаров земельного участка для строительства племенного предприятия родительского стада репродуктора I порядка птиц мясного направления.

4. Хокимияту Ташкентской области в двухмесячный срок обеспечить выделение в установленном порядке на территории Паркентского и Ахангаранского районов 200 гектаров земельного участка, благоприятного для реализации проекта «Агропарранда кластери», в целях строительства племенного предприятия репродуктора II порядка, ферм по производству мяса птицы, современной птицебойни и крупных комплексов по глубокой переработке мяса птицы, а также производства комбикормов.

5. Установить, что проект «Агропарранда кластери» финансируется за счет следующих источников:

40 миллионов долларов США – средства международных финансовых институтов, привлеченных для развития сферы животноводства;

35 миллионов долларов США – средства, направленные акционерно-коммерческому банку «Микрокредитбанк» на финансирование птицеводческих проектов во II этапе из Фонда реконструкции и развития в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 июня 2021 года № ПП-5146 «О дополнительных мерах, направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы отрасли»;

25 миллионов долларов США – средства инициатора проекта.

6. Фонду реконструкции и развития в месячный срок:

продлить дополнительно на 3 года срок возврата средств в размере **35 миллионов долларов США**, выделенных АТБ «Микрокредитбанк» на I этапе;

обеспечить выделение акционерно-коммерческому банку «Микрокредитбанк» средств в размере **35 миллионов долларов США**, определенных к выделению во II этапе для направления на финансирование проектов в сфере птицеводства.

При этом установить, что возвращенные средства по кредитам, выделенным в рамках данных средств, полностью направляются на кредитование сферы птицеводства.

7. Принять к сведению, что в соответствии с Налоговым кодексом Республики Узбекистан, сельскохозяйственные предприятия, в том числе производители птицеводческой продукции, освобождены от уплаты налога на прибыль и налога на имущество.

Одобрить предложения Министерства экономики и финансов, Министерства сельского хозяйства и Налогового комитета об:

освобождении до 1 января 2030 года субъектов предпринимательства, производящих птицеводческую продукцию, от земельного налога с юридических лиц (за исключением посевных площадей);

отмене с 1 июля 2024 года всех существующих ограничений на экспорт мяса птицы (код ТН ВЭД 0207);

отмене с 1 октября 2024 года предоставленной льготы по таможенной пошлине, установленной при ввозе на территорию Узбекистана свежего, охлажденного или замороженного мяса и пищевые субпродукты домашней птицы (мясо тушки, крылья, спинка, шея, окорочок, голень, бедро, фарш и шкура).

Министерству экономики и финансов в трехмесячный срок исходя из настоящего пункта внести в Кабинет Министров проект закона о внесении изменений и дополнений в Налоговый кодекс Республики Узбекистан.

8. Утвердить состав и задачи Рабочей группы по дальнейшей поддержке сферы птицеводства, внедрению современных генетических технологий и кластерной системы, а также увеличению производства племенного материала согласно приложениям №№ 1 и 1а.

Рабочей группе (Ходжаев Ж.) совместно с посольствами Республики Узбекистан за рубежом обеспечить достижения соответствующих договоренностей путем проведения переговоров с развитыми в мясном направлении зарубежными генетическими компаниями, в том числе генетическими компаниями США.

9. Согласиться с предложениями АКБ «Микрокредитбанк» о:

а) привлечении за счет собственных средств одной из консалтинговых компаний большой четверки на основе тендера для разработки проекта Стратегии развития сферы птицеводства на 2025–2027 годы, в том числе мероприятий по цифровизации сферы;

б) покрытии расходов по укреплению материально-технической базы, заработной плате и материальному стимулированию работников Ассоциации «Паррандасаноат» в 2024–2026 годы, а также содержанию ассоциации.

При этом установить, что на данные цели направляются средства в размере до **10 миллиардов сумов** в 2024 году и ежегодно до **7 миллиардов сумов** в 2025–2026 годы.

10. Утвердить:

Прогнозные показатели объема производства яиц и мяса птицы **на 2024 год** согласно приложению № 2;

Мощности создания крупных промышленных птицеводческих предприятий мясного направления **в 2024–2025 годы** в Республике Каракалпакстан, Кашкадарьинской, Сурхандарьинской и Хорезмской областях согласно приложению № 3;

Приоритетные направления развития сферы птицеводства в перспективе согласно приложению № 4;

«Дорожную карту» по развитию сферы птицеводства и внедрению генетических технологий согласно приложению № 5.

11. Одобрить предложения Ассоциации «Паррандасаноат» и АКБ «Микрокредитбанк» о:

реализации в республике проектов «готовый бизнес» (далее – проекты «готовый бизнес») в сфере птицеводства, в том числе специализирующихся на производстве птицеводческой продукции по системе кооперации;

разработке, финансировании и реализации проектов «готовый бизнес» обществом с ограниченной ответственностью «Parranda investment», учредителем которого является Ассоциация «Паррандасаноат»;

направлении средств, возвращенных с I этапа целевых средств, выделенных АКБ «Микрокредитбанк» из Фонда реконструкции и развития в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 июня 2021 года № ПП-5146 «О дополнительных мерах, направленных на развитие птицеводства и укрепление кормовой базы отрасли», и средств, привлеченных АКБ «Микрокредитбанк» от других международных финансовых институтов на финансирование ООО «Parranda investment» проектов «готовый бизнес» в сфере птицеводства.

При этом:

кредиты для финансирования всех расходов, связанных с проектами «готовый бизнес» в сфере птицеводства (подготовка проектно-сметной документации, проведение ее экспертизы и другое) выделяются по ставке 14 процентов годовых на основе страхового полюса с условием поэтапного принятия в залог инвестиционного проекта в перспективе пропорционально срокам проектов;

расходы, связанные со страхованием риска невозврата кредита в рамках данных проектов, покрываются за счет средств данных кредитов.

12. Определить, что средства, поступившие от продажи ООО «Parranda investment» проектов «готовый бизнес», в первую очередь направляются на погашение привлеченных кредитов АКБ «Микрокредитбанк» (основного долга и процентных платежей), а остальные средства остаются в распоряжении компании.

13. Возложить на Рабочую группу (Ходжаев Ж.) задачу по рассмотрению вопроса пролонгации сроков погашения кредитов в установленном порядке, в случае риска сезонного снижения у населения спроса и резкого колебания цен на птицеводческую продукцию, а также в целях недопущения реализации продукции по ниже ее себестоимости на внутреннем рынке.

14. Счетной палате в рамках настоящего постановления установить контроль за целевым использованием средств, выделяемых для финансирования птицеводческих проектов, а также выделяемых АКБ «Микрокредитбанк» на содержание Ассоциации «Паррандасаноат».

15. Возложить на председателя Комитета ветеринарии и развития животноводства Норкобилова Б.Т. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Ходжаева Ж.А.

Президент
Республики Узбекистан

город Ташкент



Ш. Мирзиёев